

ЎЗБЕК МЕЪМОРЧИЛИГИ ДУНЁ НИГОҲИДА.

Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг

илмий ходими: **Зулфия Комилова**

Анотатийия: Ўзбекистон дунё мамлакатлари орасида ўзининг минг йиликлар тарихлари, ҳозирги кунгача шакилланиб келган ва дунё халқларида доимо қизиқиш уйғотиб келадиган қадимий миллий ҳунармандчиликлари, ота-боболаридан одат бўлиб қолган шарқона гўзал урф-одатлари, асирлар ўтса ҳам ўз таровати билан дунё туристларини лол қолдириб келётган обидалари билан ўзига ҳос нуфузга эга юртдир. Шунингдек Ўзбекистон инсон пайдо бўлган вақтдан бошлаб ўз манзилларида меъморчиликнинг илк тамал тошини мустаҳкамлаган миллат экани билан тарихдан ўрин олган ўлкадир.

Барча қишлоқ ва шаҳарларимизнинг қадимий меъморчилиги наъмуналари ўзбек миллатининг ижодкорлигидан дарак бериб туради десак муболаға эмас. Дарҳақиқат ҳар бир инсоннинг аجدодлардан қолган меросга, ўз халқи тарихига бўлган муносабати ва қизиқиши унинг эскиликка ўчлиги эмас, балки оддий инсоний туйғуси, боболар қони ва пешаеасининг тери асрлар давомида тўкилган тупроқ юракдаги муқаддас бўлган Ватан деб аталувчи меъросига бўлган ҳис-туйғулари мажмуасидир. Мақоланинг муаллифи томонидан юқорида такидлаб ўтилган меъморчилик тарихи манбаалари доимо нафақат бизнинг, балки давлатимиз раҳбарининг ҳам асосий давлат дастурига айланиб бўлди.

Охирги ўн йиллик даврида барча жовҳалардаги тарихий обидаларга эътибор бериш, уларнинг умрини узайтириш, келгуси авлодга етказиш каби мақсадларимиз йўлида илдам интилинмоқда. Миллий меъморчилик асрлар оша бизга етиб келган экан, биз ҳам бу меросни келажакдаги авлодларимиз вакилларига мерос этиб қолдиришимиз шартдар.

Тарихий манбаалардан биламизки меъморчилик азалдан ривожланиб,асрлар давомида шаклланиб келган. Барча мамлакатларда ўз юртига яраша меъморчилиги, меъморлари, меъморчиликнинг усуллари мавжуд. Шу жумладан Ўзбекистон меъморчилиги ҳам аجدодларимиздан мерос бўлиб келаётган ҳам моддий,ҳам маънавий бойликларимиздир. Ўзбекистоннинг Тошкент, Хива, Бухоро, Самарқанд, Шахрисабз каби қадимий шаҳарларидаги тарихий обидаларни кўргани дунёнинг тўрт тарафидан саёхатчилар йил давомида ташриф буюришлари ва қизиқишлари бежиз эмас. Дарҳақиқат, Регистон, Лаби Ҳовуз, Шоҳи Зинда, Дор-ул-Саодат, Ҳазрати Имом каби қадимий меъморчилик ансамблларининг бадиий безаклари такрорланмас нафисликка эга. Асирлар давомийлигига назар ташласак,қадимий обидаларимизнинг кўпи 9-12-асрларга келиб шаклланиш ва ривожланиш даврини ярата олганини кузатамиз. 19-асрдан бошлаб барча шаҳар ва қишлоқларимизда аста турар жойларга эътибор кучайиб борди.Айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейин мамлакатимизнинг барча жавҳаларида қайта қуриш ҳаракатлари бошланиб кетди.Бу вақтда тарихий обидаларни қайта таъмирлаш қаторида янги обидаларга,маҳаллий аҳоли учун яшаш уй-жойларига эътибор қаратилиши натижасида юртимиз аста кўркамлашиб борди.Бошқа манзилларимиз қаторида Наманганнинг қадимий ва замонавий меъморчилигида ҳам олдингига қараганда фарқлироқ равишда йиллар давомида ўсишларимиз бўлганини шаҳарсозлик соҳасидан билиб олишимиз мумкин. Жумладан олганда Наманган шаҳридаги Амир Темур шоҳ кўчасига жойлашган 19-асрнинг иккинчи ярмида қурилган иншиотимиздан “Хотира ва қадирлаш” музей филали анча йиллар мобайнида халқимизга хизмат этиб келган бўлса ҳам ўзига яраша хотира берадиган маскан.Наманганнинг марказидаги 1910-1912-йилларда қурилган Мулла Қирғиз мадрасаси, Наманганнинг қадимий сардоба даҳасидаги “Қодирхўжа эшон” уйи, Курашхона мавзесидаги “Мулла Бозор Охунд” зиёратгоҳи, Лаббай тоға даҳасидаги 18-асрга оид “Мавлавий Номонгоний” зиёратгоҳи, Кўзагарлик кўчасидаги “Хўжам қабри” зиёратгоҳи, Сумалак гузаридаги “Атоуллихон тўра” масжиди, Наманган марказида қад кўтариб турган “Нодим Номонгоний” мақ-бараларини фахр билан ёдга олишимиз мумкин. Ўзбекистоннинг

барча тарихий ёдгорликлар, обидалари қишлоқ ва кўплаб шаҳарлардаги меъморчилик наъмуналарини кузатар эканмиз барчасидаги деворий безаклар билан бир қаторда кириш қисмидаги эшиклар диққатимизни тортади. Юқорида такидлагимиздек 18-20 асрлар тураржой меъморчилиги тараққиётида алоҳида кўзга кўриниб, асосан обидалар қаторида ҳовлилар ҳам ўрин олди. Шу боисдан бўлса керак, "Ҳовли" дегани уй-жойларни англатувчи атамалар кенг қўлланди. Фарғона водийсида "Эшик" атамаси ҳовли атамаси билан бирга ишлатила бошлайди. Яъни "Эшик" атамаси ҳовлига кирмоқ ва ҳовлидан чиқмоқ маънолари асосида шакилланиб борганини эътироф этиш жоиз ҳисобланади. Азал-азалдан бошлаб анъанавий уйсозлигимизда уй-жойлар ташқари ҳовли ва ичкари ҳовлидан ташкил топиб келганини ота-оналаримиз яхши билишади. Чунки маҳаллий аҳолида сақланиб қолган эски уй-жойларнинг эски усулдагилари юқорида такид этганимиздек ички-ташқи кўринишдаги ҳовлилардир. Бунга кўшимча равишда қадимий ҳовлиларда водийдан ташқари Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент, Самарқанд каби шаҳарларимизнинг вилоятларининг айрим манзилларида яна учинчи чорва сақлашга мўнжалланган ҳовлилар ҳам мавжуд. Кўпинча ичкари ҳовлиларга маҳаллий аҳоли мўжазгина гулзорлар барпо этиб келишган. Сиз ва бизга доимо асарларда учрайдиган уй-жойга тегишли бўлган ибораларни учратамиз. Дарҳақиқат анъанавий турли уйлар долон, дарвозахона, йўлак, ҳовли яъни ичкари ва ташқари ҳовли, хоналардан ва айвонлардан топган. Баъзи манзилларимизда ёзги жойлар нафақат айвонлардан иборат бўлган, балки уларнинг долон билан айвондан толор, ишком, сўри чорпоя, чордара, чортоқ, шийпон, ровон, кайвон, соябон, пешайвон, кўшк каби кўплаб турлари ва кўринишлари мавжуд бўлган. Шаҳарларимизда кўчаларимиз тор ва берк кўчалардан ибрат эди. Боши берк кўчаларни маҳаллий аҳоли долон кўча атамаси билан аташган. Бу кўчалар устига иморат қурилган йўлаклар билан тугалланган кўринишда бўлган. Долонларнинг асосий вазифаси кўча ҳисобидан болалар ўйнайдиган ва кексалар дам оладиган майдонлардан, қишда ёғин-сочиндан, ёзнинг жазирама кунларида эса иссиқдан ҳимоя этувчи муҳитни яратишга қаратилганди. Фарғона водийси меъморчилигига

назар соладиган бўлсак, бу манзиллардаги турар жойлар яккасинч ва кўшсинчли қилиб қурилар эди. Масалан Қўқон ва Марғилонда деворларини токчабандли, шифтларини эса кабза-пирамонли усулда кўтарилган. Бундай уйларнинг композицияси ўртада энли айвон ва унинг икки томонидан икки хона ўрин оларди. Шаҳарларимиздаги уйлар қишлоқ жойларига қараганда фарқлироқ, хоналари катта ва дахлизсиз бўлган узун меҳмонхона тарзида қурилиб келинган. Баъзи манзиллардаги ота-боболаримиздан бизгача етиб келган уйларнинг дахлиз хонасида “Мўри” яни тутун кетиш жойлари ва сомон сувоқли ўчоқлари бўлганини кузатишимиз мумкин. Ўзбекистон миқёсидаги уй-жойларни таққослар эканмиз, Бухоро меъморчилиги асосидаги уйларнинг пешайвонлари, айвонлари, соябонларини ўзига ҳослиги билан арилиб турганини кўриш мумкин. Бунда ҳовлига кириш қисми дарвоза ва дарвозахона, яъни йулакдан иборат бўлган. Бундай йўлакларни маҳаллий аҳоли томонидан раҳрав деб ҳам аталган. Йўлак охирларига зарурий-маиший жойларни қурилган. Бой хонаданларнинг дарвозалари ўймакор, нақшинкор, зулфиндор, ҳалқадор кўриниш касб этган Ташқири ҳисобланган ҳовлиларда устахоналар, меҳмонхоналар жойлашган бўлиб, меҳмонхона тўрида жовон, токча, токчабандлар, тахмонлар ишланган пешгоҳ, яъни ихонанинг иззатли жойи – тўри мавжуд бўлган. Бундай уй-жой эгалари уй қуришда хонадонини бўйга етган қиз-жувонлари учун алоҳида эътибор берилган хоналарни қуришган. Қадимдан ота-боболаримиз пахсали ва синчли, кўшсинчли уйларни маъқул кўриб келишган. Чунки бундай уйлар об-ҳоводан сақланиш имконини беради. Ҳозирги замонавий уйларимиз пайдо бўлгунга қадар томлар ҳар йили самонли лой билан сувалар, хона ичкарисига чакка ўтмаслигини олдини олиш чора-тадбирлари давом этиб кетган. Ҳозирги кунларда ҳам чекка қишлоқ жойларида пахсали уйлар, лой сувоқли томларни учратишимиз мумкин ва уларнинг томларида эрта боҳор кунларида лолақизғалдоқлар барқ уриб гуллайди. Ўзбекистоннинг анъанавий уйсозлигидан ташқари шу қаторда қишлоқ турар жойлари ва шаҳарликларнинг дала ҳовлилари ҳам мавжуд бўлган. Одатда дала ҳовлиларни мўжазроқ қилиб, фақатгина ёз ойларида истиқомат қилиб кетиш-га мўнжаллашган. Барча миллатлар орасида “Бирор

халқнинг турмуш тарзи даражасини билишни истасанг бу мамлакатнинг тарихий обидаларини, бозорларини бориб кўр ва бу миллатнинг урф-одатлари билан таниш “деган оқилона фикрлар мавжуд. Ҳозирги шиддат билан кетаётган ижтимоий-иқтисодий глобаллашув шароитида жаҳон ҳамжамиятини азалий миллий қадриятларини асраш, миллий ўзликни сақлаб қолиш муаммоларига давлати-миз томонидан сезиларли даражада чора-тадбирлар кўрсатмоқда. Жаҳон халқлари орасида Ўзбекистон биринчилардан бўлиб мустақиллик йўлини танлаган давлат сифатида дастлабки кунларидан бошлаб миллий ўзликни тиклаш ва мустахкамлаш, шунинг баробарида умуминсоний қадриятларни эъзозлаш негизида жамиятда юксак тарихий хотира маданиятини шакиллантириш йўналишини олиб боришга бел боғлаган. Кенг доирада тарихий таржибаларга суянадиган бўлсак, инсон қайси асрда яшашидан қатъий назар, ўз тарихини билиши ва аجدодлар меросини асраб-авайлаши шартдир. Ўз халқининг тарихини ва маданиятини билиш, унинг қадрига етиш ва авайлаб-асраш ҳар бир фуқоронинг муқаддас бурчи эканини яхши биламиз. Шу боидан ҳам Ўзбекистон меъморчилиги тарихини доимо ўрганиб борамиз. Ўзбек миллати бунёдкорликда доимо ота-боболари томонидан бунёд этилган иншоотларни деталларини қўллаб келади. Ҳозирги фан-техника ривожларган бир даврда ҳам қадимий меъморларимиз томонидан ихтиро этилган уй-жой барпо этиш усулларига таяниб келамиз. Чунки иморат пойдеворидан токи якуний қисмигачи синалган усулларни қўллаш меъморчилигимиз қонунларига айланиб улгурганлиги сир эмас. Ҳар соҳада асирлар давомида шаклланиб келган Ўзбекистон миллий меъморчилигини сақлаб қолиш, давом эттириш борасидаги хайирли ишлар нафақат давлатимиз, балки барчамизнинг устивор режаларимиздан жой олиши жуда муҳим. Дунё халқларини ўзига махлиё этиб келаётган меъморий ёдгорликларимиз бизнинг миллий ғуруримиз, аجدодларимиздан етиб келган меросимиз, халқимизнинг қадимдан шакилланган ижодкорлигининг яна бир белгисидир. Шундай экан барча тарихий манбаалар қаторида миллий меъморчилигимизни янада чуқурроқ ўрганишимиз, қадимий ёдгорликларни асраш

борасида доимо ҳаракатда бўлишимиз, миллий меъморчилигимизни қадрига етишимиз доимий равишда даркорлигини унутмаслик керак.

Фойданилган адабиётлар.

1. “ Мозийдан садо” илмий-амалий,маънавий-маърифий журнал.2024-2025-йил сонлари.
2. “ Фуқоролик Жамияти “ – умумназарий,иҷтимоий-сиёсий,ҳуқуқий журнал. 2018-йил.
3. “ Ўзбекистон Республикаси Миллий Энциклопедияси “-2006-йил.
4. “ Санъат “ –Ўзбекистон бадиий академияси журнали. 2018-йил.